*Она ва бола — давлат ҳимоясида*

# ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ УЮШҚОҚЛИГИ

## муаммоларни бартараф этди

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинги эълон қилинди. Унда Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари аҳолиси турмуш тарзи тадқиқ этилди. Холисона таҳлил натижаси ўлароқ Ўзбекистон қатор мамлакатлар орасида ўз нуфузига эгалиги кўринди. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалаш самараси эътироф этилмоқда. Сирасини айтганда бу борадаги бурилиш ўз-ўзидан вужудга келмади албатта. Экологик оғир ҳудудларда мақсадли ҳаракат, соғлом ва баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ўз маҳсулини бераяпти.***

Таъбир жоиз бўлса узоқ муддат Сирдарёда оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалашда оқсаш сезилиб келди. Негаки экологик вазият, чўл шароити турли юқумли касалликларга доялик қилди. Ҳар кузакда деярли барча шифохоналар юқумли сариқ касаллигига чалинганларни сиғдиролмай қоларди. Аммо кейинги беш йилда бу хасталик ортга чекинди. Шифокорларнинг эътироф этишларича далага мунтазам сепиб кўрилган кимёвий дориларга барҳам берилиши-ю, саломатликни сақлашга доир дастурларнинг изчил амалга оширилиши ўз натижасини берди.

Соғлом она, ўсиб-улғайиб келаётган авлод саломатлиги барчанинг ташвишига айланди. Бу борадаги амалий ишларда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ташкилот томонидан тузилган келишувлар, жамоа шартномалари ва битимларда оналар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди. Биргина 2000 йилда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 1196 нафар аёлга уч ярим миллион сўмдан зиёд қўшимча нафақа тўланди. 237 та корхонада хизмат қилган 4973 нафар аёл ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб пуллик таътилга кузатилди. 15659 нафар кўп фарзандли аёллар иш ҳафтаси маоши сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилди. Муддао аёл, она кўпроқ вақтини оилага, фарзандларига сарфлаши кўзда тутилди. Ташкилот ва корхоналар маблағи ҳисобидан 1035 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилиб соғломлаштирилди. 785 нафар ногирон фарзандлар ўсиб улғаётган хонадонларга 4,5 миллион сўм миқдорида моддий мадад берилди.

Давлатимизнинг оналик ва болаликни муҳофазалаш сиёсати минглаб мирзачўллик хонадонлар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришда муҳим омил бўлди. Чақалоқлар нобуд бўлиши, оналар ўлими сингари фожеали ҳодисалар олди олинди. Дард ботмонлаб йиғилиб, мисқоллаб кетади, дейишади. Шу боис дардмандликка қарши кураш барча жабҳаларда кенг қамров олди. Хотин-қизлар ҳуқуқий саводини ошириш, уларнинг ўзлари, фарзандлари саломатлигини сақлаш борасидаги билимларини ошириш мақсадида касаба уюшма фаоллари ташаббуси билан бир қатор тренинг ва ўқувлар ўтказилди. Алоқа, савдо, автотранспорт ва йўл хўжалиги, енгил, мебел, маҳаллий саноат, коммунал-маиший хизмат ходимлари тармоқларида «Аёлларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонунда белгиланган имтиёзларга кўра мактаб ёшигача болалари бўлган аёллар маоши сақланган ҳолда иш соатлари қисқартирилишига эришилди. Вилоятдаги 366 корхонада 812 та оила фарзандларига овқатланишлари учун маблағ ўтказиб берилди. 311 корхонада хизмат қилаётган 4766 нафар аёл ҳақ тўланадиган кунлари узайтирилган меҳнат таътилларидан фойдаланишди.

Оналар ва болаларни дам олдириш, уларни сиҳатгоҳларга йўналтириш борасида ҳам анча ишлар қилинган. 290 аёл турли санаторийларда саломатликларини тикладилар. 210 нафар фарзанд тарбиялаётган ёлғиз оналар ишга жойлаштирилди. «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси корхонада ишлаб нафақага чиққан аёлга уй сотиб олишига кўмак кўрсатди. 30 га яқин ёлғиз аёллар уйлари таъмирлаб берилди. Бир сўз билан айтганда, муаммога ҳар томонлама ёндошув, кенг жамоатчиликнинг уюшқоқлиги тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишда қўл келди.

Саломатлик асоси бадантарбия, спорт ҳисобланади. Вилоятдаги 13 ўйингоҳ, 17 та спорт зали, 36 та спорт майдончалари, теннис, бокс саройлари, сузиш ҳавзаси ёшлар ихтиёрига топширилган. Касаба уюшмалари спорт жамияти таркибида 234 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари мавжуд. Ёшларни чиниқтиришга 220 та меҳнат жамоалари, 6 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари хизмат қилаяпти. Ҳар йили чўлқуварларнинг 14 минг атрофидаги фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олдирилмоқда.

Истиқлолимиздан буён ўтган давр ичида соғлом авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратилди. Бу эса дунё ҳамжамиятида ўз эътирофини топди. ЮНИСЕФ тадқиқотларидаги кўрсаткичлар ана шу узоқни кўзлаб халқ, юрт келажагини ўйлаб қилинган ишлар маҳсулидир.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Монте Карло» фермер хўжалиги бошлиғи Марҳаматхон Бўлтакованинг хайрли ишлари ҳақида деҳқонлар сўзлаб беришди. Қайсидир йилларда у борини сотиб, пулини етимхонага ўтказган. Ҳозир йирик фермер хўжалигини бошқаради. Пахта, ғалла етиштиради. Элликтача қорамоли бор. Учта жойда озиқ-овқат ва қурилиш жиҳозлари билан савдо қилувчи шахсий дўконлари ишлаб турибди. Ҳар йили миллион сўмлаб даромад қилади. Топганининг тўқсон фоизини боғчаю мактабларга беради. Яқингинада тумандаги хайрли ишлар учун 14 миллион сўм пул ажратди!***

# ДАЛА МАЛИКАСИ

## жиззахлик моҳир фермер Марҳамат Бўлтакова тумандаги хайрли ишлар учун 14 миллион сўм ажратди

Бахтни қарангки, спорт коллежида ўқиётган тўнғичи Шерзод «Умид ниҳоллари» республика мусобақасида қатнашиб, миллий кураш бўйича олтин медал билан қайтди.

Марҳаматхон опани излаб йўлга тушдим.

Марҳаматхон опа мени кўриши билан ўрнидан туриб ёнимга келди:

- Юринг, ҳолироқ жойга борайлик.Бемалол суҳбатлашамиз.

Индамасдан, ортидан эргашдим. Йўл-йўлакай у сўзлади, мен эшитдим.

- Биласизми, яқин-яқингача менга таниш бўлган бир аёл бор эди. Феъли оғир, тили кескир, ўзи чапдаст, бир ишга киришса албатта охирига етказарди. Бу одати унинг эрига кўпам маъқул келавермасди. Ахир аёл дегани гунг ва кар бўлиб уйда ўтириши керакда, деб ўйларди ўша эркак. Хуллас, шу аёл тадбиркор бўлишга аҳд қилди. Аммо, ишни бошлаган куннинг эртасигаёқ қишлоқдан ғойиб бўлиб қолди. Қаёққа кетди, нима учун, ҳеч ким билмасди. Икки кун ўтиб, одамлар орасида миш-миш тарқалди:

«Бу аёлни кимдир ўлдирган экан, жасадини тепаликдан топишибди!» Кейин яна гап-сўз кўпайди: «Ҳали ўлмаган экан, аҳволи оғир, боши шикастланган, пойтахтга касалхонага олиб кетибдилар!» Чинданам бу аёл бир йилга яқин шифохонада даволанди. Тузалиб қайтди. Бошлаган ишини давом эттирди.

- Бир ўлиб тирилибди-да. Шу аёл ҳалиям ҳаётми? - дедим ҳайратимни яширолмай.

- Ўша аёл ҳозир сизнинг рўпарангизда турибди, - деди Марҳамат опа кулиб.

- Наҳот сиз... У ишни ким қилган эди?

- Эрим. Болаларимнинг отаси. «Тадбиркор бўлиб кетса мендан устун келади» деб ўйлаганми... Мени чалаўлик ҳолда ерга кўмиб, сўнг ўзи қочиб кетган. Икки йил ўтгач узр сўраб келди. Ҳеч нарса демадим. Мана, яшаяпмиз...

- Кечирдингизми?

- Аёл киши кўп нарсага қодир бўларкан. Қиркта жони борлигиям рост. Ҳаммасини яхшиликка сарфлайди. Аёл зоти кек сақлашни билмайди, болаларини ўйлайди. Очиғи, ўша воқеадан сўнг ишда ўзимни кўрсатишга аҳд қилдим. Умрим борича доимо одамлар хизматида бўламан, деб ўз-ўзимга сўз бердим...

Марҳаматхон опанинг сўзларини эшитиб, кўнглимдан анча-мунча хаёллар ўтди. Баъзи бировлар ҳаётнинг оғир синовларига дош беролмайдилар. Шундай кунда тушкунлик гирдобида қоладилар. Тезда машаққатлардан ўзларини четга олиб, жонларини асраб-авайлаш пайида бўладилар. Хўш, Марҳамат опа нега шундай қилмади? Уни илгарига етаклаган куч нима? Одамларга меҳрими? Инсоний туйғуларга садоқатми? Ё фарзандларининг камолини ўйладимикин?!

- Оддий меҳнаткаш отамнинг менга қайта-қайта айтгувчи бир сўзи бор эди. «Киши учун дунёдаги энг ёмон нарса доғ қолдириш, энг яхши нарса - ном қолдириш!» дерди. Бу ўгит бир умр қулоқларимда қолган, - деди Марҳаматхон опа.

...Самарқанднинг Қўлбосди қишлоғи Ғўбдинтоғ этакларида жойлашган. Ҳавоси мусаффо, ён-атрофда жилғалар оқиб ётибди. Марҳаматхон шу қишлоқда ўсиб-улғайди. Мактабни олтин медал билан тамомлади. Биттагина имтиҳондан ўтдию университетнинг чет тиллар факультетига қабул қилинди. Мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Кейин... Жиззахга келин бўлиб узатилди. Мана, ўн йилдан ошдики, унинг тадбиркорлик фаолияти равнақ топди. Эл-юртга фойда келтирди. Ҳар йили мавжуд майдонларга чигит, ғалла экилади. Ўтган йиллар ичида пахта ҳосили беш центнерга кўтарилди. Ҳар гектардан олтмиш центнердан ғалла топширилди. Ишловчилар, тракторлар етарли. Ишчиларга ойлик маошидан ташқари, бир гектардан томорқа учун ер ҳам берилган. Йил охирида ҳар бирига икки тоннадан ғалла тарқатилади. Чорва молларини доимий ем-ҳашак билан таъминлаш мақсадида 15 гектар ерда беда етиштирилади. Байраму ҳайитларда, наврўзларда Марҳаматхон опанинг ўзлари уймауй юриб серфарзанд хонадонларга, кекса ва касалманд кишиларга гўшт етказиб беради. Опанинг ёнига бориб «Менга пул зарур бўлиб қолди» деган киши борки, саховатпеша инсон уни қуруқ қайтармайди. Яқинда у тумандаги мактаблардан бирига катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.

... Марҳаматхон опанинг исми кўпдан бери Монте Карло бўлиб кетган. Опа фермер хўжалигига нега айнан шу номни танлаганикин? Ундан шу ҳақда сўрадим.

- Биласиз, Монте Карло машина ишлаб чиқарувчи машҳур киши сифатида тарихда қолган. Ғарбдаги йирик шаҳарлардан бирига, номи ҳам қўйилган. Ўша одам аслида кўп қийинчилик кўрган экан, бироқ мақсадидан чекинмаган. Матонатли одам бўлган-да. Мен балки унинг шу фазилатига ҳавас қилгандирман... Кўриб турибсиз, оддий, тўпори аёлман. Оёғимда кирза этик... Тўй ва маъракага ҳам, ҳокимликдаги йиғинга ҳам, далага ҳам шу этикда бораман. Чунки, мен деҳқонман. Ясантусан қилиб давраларда ўтиришни, бекорчи гаплар билан вақт ўтказишни ёқтирмайман. Менга фақат иш бўлса бас!

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

**Ислом КАРИМОВ:**
***Ўзаро меҳру оқибатимиз кун сайин зиёда бўлиб, адолат қарор топса, поклик ва ҳалоллик одатга айланса - ана шундагина биз тилагимизга етамиз.***

# САХОВАТ, МЕҲРУ ОҚИБАТ

## халқимизнинг азалий фазилати

Барча яхши нарсалар — фахрийларга

Бухоро вилоятидаги Вобкент туман Марказий поликлиникаси маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси муолажа, энг аввало, руҳий тетикликка боғлиқ эканлигини дилдан ҳис қилган ҳолда, шунга амал қилиб фаолият юритиб келмоқда.



**Суратда: Марказий поликлиника бош ҳакими Умид Сафоев ва касаба уюшма қўмитасининг раиси Қувондиқ Ҳасанов меҳнат фахрийси Мардон ота Эшонқуловга эсдалик совғасини топширмоқда.**



# ЁЛҒИЗЛАТМАНГ ЁЛҒИЗНИ...

Ушбу кўримсиз иморатда 40 нафар жисми ногирон, кўнгли кемтик болалар кун бўйи бўлишади. Ўзаро мулоқотга киришиб, кўнгилочар эрмаклар топишади. «Бир мен эмас, бошқалар ҳам бор экан» каби туйғунинг ўзи ўксик кўнгилга юпанч бахш этади. Шулар орасида ўзимнинг нуридийдам Назира ҳам бор. Унинг оёқлари ногирон. Назира табиатан нозиктаъб, ҳассос қиз. Назм шайдоси. Ёзганлари республика, вилоят газета ва журналларида чоп этилади. Туғма истеъдодлар бу ерда кўп.

Ўтган йили ота-оналар билан ҳамкорликда пилла қурти боқдик. Болалар ҳам баҳолиқудрат кўмаклашишди. Мақсадимиз молиявий таъминотимизга ўз меҳнатимиз орқали эришиш эди. Кўзланган кумуш толани топширдик. Пул ҳам олдик. Ташаббусимизга қизиқувчилар кўпайиб кетди. Республика телевидениесининг «Ахборот» дастури орқали бизни кўрсатишди. Республика болалар жамғармаси раиси келиб жамиятимиз аъзолари билан яқиндан танишди. Истеъдодли, санъатга ҳавасманд болаларимиз ўз қобилиятларини намойиш этдилар. Шу тариқа эътиборга тушдик. Пировардида дунё ногирон болаларининг «Мафтункор рангин дунёси» кўрик-танловига таклиф этилдик. Тарбияланувчиларимиз кўнгли тоғдек юксалди. Аммо...

***Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак***

Лоқайдлик дилимизга соя ташлади. 5 нафар қобилиятли болаларни Тошкентга кўрик-танловда қатнаштириш учун олиб боришда ёрдам сўраб Урганч туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Афсуски, сўровимиз жавобсиз қолди. Натижада, ногирон болаларни Тошкентга автобусда олиб боришимизга тўғри келди. Йўл олис, мажруҳ жонлар анчайин азият чекди. Бошқа вилоятларнинг болалари манзилга самолётда етиб олганлигини эшитиб баттар эзилдик. Лекин шундай бўлса-да, заҳматларимиз зое кетмаганидан хурсандмиз.- Кўрик-танловда бизнинг болаларимиз биринчи ўринни эгаллаб, ғолиб бўлиб қайтишди... Нафсиламбирини айтганда, соғлом болаларга нисбатан ногирон болаларга эътибор ва меҳр кўпроқ керак. Лекин гоҳо ҳаётда бунинг акси бўлаётир. Масалан, вилоят халқ таълими бошқармасига ўқув қуроллари билан таъминлаш тўғрисида хат ёзиб мурожаат қилдик. Буни қарангки, улар хатимизга жавоб тариқасида яроқсиз 10 та парта, 1 та доска, алмисоқдан қолган шкаф, 1 донагина стол ажратишибди холос.

Яхши гаплар ҳам кўп. Жамиятимиз кутубхонасини очишга эришдик. Ҳозирча 7 минг донага яқин китобимиз бор. Бичиш-тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш машғулотларини йўлга қўйиб олдик. Байрамларимиз шукуҳли ўтяпти. Анчамунча меҳр-мурувватни ҳис этяпмиз. Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, божхона, касаба уюшмалари халқ таълими бошқармаси, телевидение, «Гулистон» ширкат хўжалиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати эътибор қила бошлади. Яқинда 5 нафар ногирон боламиз «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловида иштирок этди. Қозоғистонда бўлиб ўтадиган «Дунё болалари» кўрик-танловида ҳам қатнашамиз. Аммо дилимизни бир нарса хижил қилмоқда.Бизга ажратилган 3 гектар ер масаласи ҳали ҳануз ҳал бўлгани йўқ. Бу муаммо ўз ечимини топса эди, ёрдамчи хўжалик барпо этган бўлар эдик.

**Зулхумор МАТЁҚУБОВА,**
**Хоразм вилоят ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамияти раиси**

# ЭШИККА ТЕРМУЛАР БОЛАКАЙ...

Гўдаклигида ота-она меҳридан мосуво бўлган болакайни ҳеч кузатганмисиз? Дўмбоқ юзларида маъюслик. Ниманидир қўмсаб, нимагадир интилиб, илинж билан яшайди...

Давлатимиз улар учун барча шароитларни муҳайё этган. Тоза ва озода ётоқхоналар, ошхона, қироатхоналар, ўйингоҳ болажонлар хизматида. Ҳар хил ўйинчоқлар, спорт жиҳозлари етарли. Фақат ота-она меҳр-мурувватига ташна бўлиб яшайди улар.

Қарши шаҳридаги вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармасига қарашли «Мурувват уйи»дагилар учун барча қулайликлар яратилган. Йил бошида икки қаватли кўркам бинонинг фойдаланишга топширилиши улар учун катта совға бўлди. 175 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган масканда ногирон болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти, тарбияланувчилар ҳар йили икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади. Даволанишга муҳтожлари эса шифохоналарда керакли муолажаларни оладилар.

Ногирон ўғил-қизлар учун болалар уйининг ўзида даволаш профилактика ишлари амалга оширилади. Физиотерапия муолажалари ўтказилади. Зарур дори-дармонлар етарли. Малакали врач ва ҳамширалар кичкинтойлар атрофида парвона.

«Мурувват уйи»да республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан келган болалар бор. Тарбияланувчилар учун керакли озиқовқат маҳсулотлари, сархил мевалар, салқин ичимликлар вақтида келтириб турилади.

— Жамоамиз шаклланганига 28 йил тўлди, – дейди «Мурувват уйи» директори Ваҳоб Орзиқулов. – Ўтган даврда юзлаб болалар тарбияланиб ҳаётда ўз ўрнини топиб кетди. Вақти-вақти билан ҳузуримизга келиб миннатдорчилик изҳор этганларида кўксимиз тоғдек кўтарилади.

Болалар бу масканда 18 ёшгача тарбияланадилар. 85 нафар ҳамшира ва энага кечаю кундуз улар атрофида парвона. Тарбиячиларнинг қалб қўри, меҳр зиёси туфайли болалар ўзини қадрдон уйида, ота-онаси қучоғида яшаётгандек ҳис этади.

Болалар масканида кўп йиллик тажрибага эга бўлган тарбиячилар ишлашади. Иккинчи даражали «Соғлом авлод» ордени соҳибаси Дилором Туропова, «Шуҳрат» медали нишондори Ҳайитгул Халилова, Жумагул Сатторова, Нурия Яҳёева, Норхол Ёмғирчиева, Марина Чубанникова, Фазилат Бобоёрова сингари тарбиячи ва энагаларнинг меҳнатидан барча мамнун.

Савоб ишлар қалбларда ўчмас из қолдиради. «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти, «Иброҳимбек» хусусий фирмаси, ака-ука тадбиркор Назаровлар вилоят ва шаҳар прокуратураси ходимлари болалар уйига ҳомийлик қилиб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚАДДИНГНИ ҒОЗ ТУТ, ЙИГИТ!

Сир эмас, мактабни битирган ёшларнинг ҳаммаси ҳам бирданига ўз йўлини топиб кета олмайди. Ишламай, ўқимай юрганлар ҳам йўқ эмас. Лекин уларнинг тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Судланган ёки Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига кўра жазодан озод этилган шахсларни иш билан таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари яхши натижа бераётир. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 3 минг 151 фуқаро ишга жойлаштиришни сўраб мурожаат қилганди. Шундан 816 нафари ишга жойлаштирилди. 1335 нафари эса ишсизлик мақомини олди. 7 нафари қайта касб ўргатишга юборилди. 152 киши жамоат ишларида қатнашди. 1180 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланди.

Вақтинчалик ёки 1 марталик иш билан шуғулланаётган ёшларни касбҳунарга йўналтиришга ҳаракат қилинаётир. Масалан, 6 нафар ёшлар иш ўрганиб, малакасини ошириб қайтиши учун хорижга юборилди. 10 нафар йигит-қиз туман тижорат банкларидан кредит олди. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга барча омиллар сафарбар этилган. Натижа чакки бўлмаяпти. Кейинги пайтда ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ҳолати камайди. Йил бошида вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция рўйхатида турган болалар сони 24 нафар бўлган бўлса, ҳозирги кунда улар 13 тага камайди. Демак, 13 ўсмир тўғри йўлга тушиб олди.

Эътироф этиш жоизки, болалар спортига тўрткўлликларнинг ҳам ихлоси баланд. Барчинойлар, Алпомишларимизни чемпионлик шоҳсупаларида кўришни орзу қиламиз. Бу ният бизга ҳам қанот бағишлайди. Туман ўйингоҳи ҳамиша миллий кураш, футбол, волейбол, бокс, енгил атлетика, шоҳмот-шашка, каратэ каби спорт турлари билан шуғулланаётган ёшлар билан гавжум. Туман маърифат ўчоқларининг барчасида, шунингдек, милиция таянч пунктларида ҳам спорт машғулотлари мунтазам ўтказилиб турилибди. «Йўл қурилиш» ташкилоти «Ёшлик», «Дўстлик» маҳаллалари болаларига ажойиб теннис корти қуриб берди. Шу билан бирга «Янгиобод» маҳалласидаги спорт мажмуи қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди.

Мавриди келганда, меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофазалашда туман ижтимоий таъминот бўлимининг хизмати катта бўлаётганини таъкидлашни истардим. Ўтган вақт мобайнида 2455 нафар бошланғич синф ўқувчиси 32 миллион 354 минг сўмлик кийим-кечак билан таъминланди. Биринчи синфларга 3 минг 450 дона ўқув қуроллари бепул тарқатилди. 1132 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 2932 нафар ишламай уйда ўтирган онага фарзандлари 2 ёшга тўлгунга қадар парвариш нафақалари берилди. 9 бола ногиронлик аравачаси билан таъминланди.

Туман ҳаётининг юксалишида бевосита хотин-қизларнинг ҳам роли катта. Улар ҳар жабҳада фидойилик билан меҳнат қилаётирлар. Бугунги кунда 288 аёл якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланяпти. 181 аёл корхона, фирма, цехлар ва фермер хўжаликлари ташкил этиб, намунали фаолият кўрсатмоқда. Шулардан тадбиркор-шифокор Ёқитжон Ишмуратова «Динур» соғломлаштириш маркази ташкил этиб, кишиларни дарддан фориғ қилаётир. «Лола» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилаётган Лола Оллошукурова 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Буларнинг ҳаммаси одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтиряпти.

**Зулхумор ХЎЖАНИЁЗОВА,**
**Тўрткўл туман ҳокими муовини**

Меҳр-оқибат, қарияларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳамда кўнгли ўксик оилалар ҳолидан хабар олиш азалий одатимиз. Яқинда Қува туманида шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот бўлими, касаба уюшма қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар даврасида 80 ёшга тўлган Абил Қаюмовни бир пиёла чой устида муборакбод этиб, турли хил совғалар билан сийлашди. Абил ота кўнгилли ўт ўчириш ташкилотида, қурилиш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилиб ватанини ривожига ҳисса қўшиб келган заҳматкаш инсонлардан.

Ҳозир табаррук отахон Қува шаҳрининг Қайқубод кўчасида истиқомат қилиб, невара-чеваралари даврасида пиру бадавлат умргузаронлик қилмоқда.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ**
**олган сурат**

# СПОРТ БИЛАН ФАОЛ ШУҒУЛЛАНИШНИ УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

## ЧЕККА ТУМАНДАН чемпионлар чиқади

Спорт жисмоний етуклик ва маънавий баркамолликнинг энг муҳим омилидир. Зеро, биродарлик, инсонийлик, мардлик ва матонат сингари юксак фазилатларнинг шаклланишида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс.

Туманимиз вилоятнинг энг чекка, тоғли ҳудуди саналади. Ҳозирги пайтда бу ердаги 89 та ўрта умумтаълим ҳамда битта ихтисослашган мактабда 27 минг 705 нафар ўғил-қиз таълим олаяпти. Уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли даражада шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, янги спорт иншоотларини бунёд этиш, мавжудларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Мактабларимизда 20 та спорт зали, 89 та волейбол, 66 та футбол, 23 та мини футбол майдонлари, 84 та баскетбол ва қўл тўпи майдонлари мавжуд. 12 та мактабда эса стол тенниси билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Ҳисоб-китобларга кўра, қарийб 4 минг нафарга яқин ўқувчиларимиз мунтазам тарзда спорт билан шуғулланишмоқда. Ўқувчиларимиз туман, вилоят ва республика миқёсидаги беллашувларда фаол иштирок этиб келишяпти. Жумладан, ўтган йилги республика мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финал босқичида икки нафар вакилимиз миллий кураш бўйича баҳсларда вилоят шарафини ҳимоя қилди. Уларнинг бир нафари мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

Тасарруфимиздаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби миллий кураш, волейбол, қўл тўпи, футбол каби энг оммавий спорт турларига ихтисослашган. Унда 20 нафар мураббий 660 нафар спортсевар ўқувчига сабоқ бермоқда. Турли ёш гуруҳларида машғулотларнинг доимий равишда, ўз вақтида олиб борилиши таъминланяпти. Бундан ташқари, режага кўра турли спорт мусобақаларини ўтказишга ҳам эришилмоқда. Бу ёш спортчилар маҳоратини ошириш, қолаверса, туманимизда болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантиришга муҳим улуш бўлиб қўшилмоқда.

**А.ЭШМАТОВ,**
**Деҳқонобод туман халқ таълими бўлими жисмоний тарбия йўриқчиси**

*Тадбир*

## МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Поп тумани маҳаллалари ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу ўз самарасини бераяпти. Маҳалла ўсмир-ёшлари ўртасида ташкил этилган «Футболимиз келажаги» республика мусобақасининг вилоят босқичида Поп шаҳридаги «Пахтакор» ва «Халқобод» шаҳарча фуқаролар йиғинлари ёш футболчилари фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиши ҳам бежиз эмас.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими соврини учун волейбол бўйича биринчилик ўтказилди. Унда қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинларидаги маҳаллалар ўртасида ғолиб бўлган жамоалар беллашди. Ғоят қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсларда Поп шаҳар ҳокимлигига қарашли «Пахтакор» маҳалласи ёшлари бош соврин соҳиби бўлишди. Кейинги ўринларни «Янги ҳаёт» қишлоқ ҳамда «Халқобод» шаҳарча фуқаролар йиғинлари маҳаллалари жамоалари эгаллашди. Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Б.ТУРДАЛИЕВ**

## КЕЛАЖАК — СОҒЛОМ АВЛОД ҚЎЛИДА

***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни жисмонан баркамол қилиб вояга етказишнинг муштарак жисмоний тарбия тизимини яратишга қаратилган. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти.***

Воҳада янги спорт иншоотлари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирга қадар ҳомийлар маблағи ҳисобидан 4 та спорт иншоотида 100 миллион сўмлик қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилди. Кўплаб спорт майдончалари, иншоотлари ҳашар йўли билан тартибга келтирилди ва таъмирланди. Спорт кийимларини тикиш, жиҳозларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида ширкат хўжалиги ҳомийлигида бунёд этилаётган спорт иншооти қурилишида 25 миллион сўмлик иш бажарилди. Ҳомийлар томонидан қайта қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган 11 та объектда ишлар қизғин тус олган. Муборак тумани «Машъал» футбол клуби тасарруфидаги ўйингоҳ, бино ва майдонларни болалар спорт мажмуасига мослаштириб қуриш юмушларида Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда иссиқлик энергияси маркази томонидан 95 миллион, Касби туманидаги болалар оромгоҳи спорт майдонини қайта таъмирлашга Алишер Навоий номли хўжалик ҳисобидан 21 миллион, Чироқчи шаҳридаги ўйингоҳни таъмирлаш учун туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан 12 миллион сўм маблағ ажратилди. «Шўртаннефтигаз» унитар шуъба корхонаси ташаббуси билан Қарши шаҳрининг 7-митти туманида 100 қатновга мўлжалланган спорт-соғломлаштириш мажмуасини қуришга 15 миллион сўм маблағ сарфланди. Муборак шаҳрида Ёшлар мажмуаси, Косон шаҳридаги «Ровот», Охунбобоев номли ва «Нартичуқур» маҳаллалари, Миришкор туманидаги «Миришкор» хўжалигида спорт майдончалари ишга туширилди.

Дастурга мувофиқ жорий йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қуриладиган 3 та, 2003-2004 йилларда ҳомийлар ҳисобидан бунёд этиладиган 6 та, қайта қуриладиган ва таъмирланадиган 11 та спорт иншооти режалаштирилган. Имкониятлар ҳисоблаб чиқилиб, яна 31 та иншоотни таъмирлаш белгиланди. Бироқ Қамаши тумани «Чим» хўжалиги, Шаҳрисабздаги Чоршанбе қишлоғи ва Ғузор тумани марказида бунёд этилиши кўзда тутилган иншоотлар қурилиши бошланмаган. Шунингдек, жамғарма вилоят бўлими ҳисоб рақамига жами 1 миллиард 104 миллион 800 минг сўм тушириш режалаштирилгани ҳолда эндигина 500 миллион сўм маблағ ўтказилган, холос. Жумладан, «Муборакнефтигазмонтаж», «Муборакнефтигазтранс», «Қашқадарёирмонтаж», «Қаршисаноатуйжойқурилиш», «Ўзсувқурилиш», Муборак иссиқлик энергияси маркази, «Қаштекс», «Қашқадарёмармар», вилоят электр тармоқлари корхонаси каби ташкилотлар томонидан жамғармага белгиланган маблағ ўтказиб берилмаган. «Ўзтрансгаз» акционерлик жамияти ҳомийлигида 2003-2004 йилларда Деҳқонобод тумани Қорашина қўрғони ва «Муборакнефтигаз» унитар шуъба корхонаси томонидан тумандаги Хитой қишлоғида 2003 йилда бунёд этилиши режалаштирилган спорт иншоотлари эса лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмаганлиги сабабли ишга киришилмаган.

Вилоятда спортнинг 31 тури бўйича 6422 та тўгарак ишлаб турибди. Уларда 181944 ўғил-қиз шуғулланмоқда. 14020 нафар бола спорт мактабларида таҳсил олмоқда. Янгитдан 124 та спорт секцияси ташкил этилиб, 3946 нафар ёшлар жалб қилинди. Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 1083 та таълим муассасасида 2453 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолият кўрсатаяпти. Айни пайтда мактабларда 260 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмайди. Халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарияти, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда педагог кадрлар ва мураббийлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Болалар спорти соҳасида яна кўплаб жиддий камчиликлар ҳам бор. Мактабларнинг 653 тасида спорт залларининг йўқлиги, 430 таси таъмирталаб бўлиб қолганлиги унга муносабатни ўзгартиришни тақозо этади. 263 та мактабда футбол, 74 тасида волейбол, 548 тасида баскетбол, 560 тасида қўл тўпи майдонларининг йўқлиги ҳам ташвишли ҳолдир. 21 та спорт мактабининг 14 таси ўз базасига эга эмас. Енгил атлетика, бадиий гимнастика, сузиш, белбоғли кураш турларини йўлга қўйиш учун спорт мактабларига мураббийлар етишмайди.

Болалар спортига лоқайдлик билан қаралаётганлиги туфайли «Умид ниҳоллари-2003» мусобақаларига Миришкор, Муборак туманларидан, «Баркамол авлод-2003» беллашувларида Жейнов, Миришкор, Муборак, Чироқчи касб-ҳунар коллежларидан бирорта ҳам вакил иштирок этмади. Республика мусобақаларининг якунлари вилоятда енгил ва оғир атлетика, қўл тўпи, бокс, сузиш бадиий гимнастика, белбоғли кураш, стол тенниси каби спорт турлари яхши ривожланмаганлигини кўрсатди.

Воҳада 59 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бўлиб, уларда 36431 нафар ўғил-қиз илм олади. Улар қошидаги 613 та тўгаракда 11736 нафар ўқувчи шуғулланмоқда. Бу жами тарбияланувчиларнинг 32,2 фоизини ташкил этади, холос. Ўрта махсус ўқув юртларининг 54 фоизида теннис корти, 59,3 фоизида футбол, 40,6 фоизида қўл тўпи, 83 фоизида спорт зали мавжуд, холос. Камчиликларни тугатиш, имконият қидириш ўрнига айрим раҳбарлар ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмаяптилар.

Вилоят ҳокимлиги томонидан «Болалар спорти энг яхши ривожланган туман» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Танлов якуни декабр ойидан сарҳисоб этилиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Август ойида Шаҳрисабзда болалар спортини ривожлантириш масалаларига бағишлаб илмий-амалий конференция уюштирилди. Анжуманда болалар боғчалари, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ ва маҳаллаларда спортни йўлга қўйиш борасидаги тажрибалар ўрганилди ва оммалаштирилди. Ҳокимлик ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиёти имкониятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда болалар спортини ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқди. Ушбу режалар изчиллик билан амалга оширилишига ишонч билдириш мумкин.

**И.ИСОМУДДИНОВ**

*Бокс*

## ҲАВАСКОРЛАР РИНГИДАН «ПРОФИ» САРИ

Ўзбек бокс мактабининг тарбияланувчилари жаҳон рингларида муносиб ном қозониб улгурган.Бугун «чарм қўлқоп» усталаримиз профессионал рингларда ҳам юрт довруғини дунёга достон қилмоқда.

Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Қувончбек Тойғонбоев,Руслан Чагаев, Сергей Михайлов... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ҳаваскорлар рингида ажойиб натижалар кўрсатаётган боксчиларимизни профессионал жангларга таклиф этаётган кўплаб промоутерларнинг юртимизга келиши юқоридаги фикрларимизни қуруқ гап эмаслигини исбот этади. Умидли ёш боксчиларимиз ўта оғир вазнли Рустам Саидов ҳамда Икром Бердиевлар хорижлик мутахассислар назарига тушди. Яқинда Австриядан юртимизга ташриф буюрган мураббийлар улар билан музокаралар олиб борди.Бироқ, боксчиларимиз «профи»га ўтиш ҳали эрта эканлигини билдирдилар.

-Ҳар бир спортчининг ўз олдига қўйган режалари бўлади.Мен ҳам насиб этса, юртимиз шарафини Афина Олимпиадасида муносиб ҳимоя қилиб, чемпионликни қўлга киритишни мақсад қилганман.Қолаверса,ҳали ўз устимда кўпроқ ишлашим керак, - дея ўз қарорини изоҳлайди Икром Бердиев.

Дарҳақиқат, ёш боксчимизнинг гапларида жон бор. Чунки спортчи ўз тажриба ва маҳоратини ошириши учун кўплаб жангларда қатнашиши талаб этилади. Республика ва халқаро мусобақалар бунда энг муҳим рол ўйнайди.

Дарвоқе, куни кеча водийнинг энг қадимги шаҳарларидан бири Қўқонда бокс бўйичаЎзбекистон чемпионати баҳслари бошланди. Умидли ёш боксчилар кўригига айланаётган биринчилик баҳсларида 140 нафарга яқин ҳаваскорлар рингга чиқадилар.

Баҳсларда Азиз Раҳмонов, Равқат Эралиев каби жаҳон ва Осиё чемпионларининг иштироки, биринчилик савиясининг юқори даражада эканлигидан далолат беради.



*Сўз — ғолибларга*

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН

Ўрта мактабнинг 9-синфини тугатиб, Қумқўрғон енгил саноат касб-ҳунар коллежига ҳужжат топшириб, ўқишга кирдим. Негадир, янги ўқув даргоҳида ўқиш менга оғирдек туюлди. Севимли машғулотим спорт билан шуғулланиш яна кўплаб мураккабликларни туғдиргандек эди. Шу сабаб хаёлимда «Коллежни тарк этишим керак» деган фикр ғужғон ўйнай бошлади. Шу ўй билан бир куни коллеж директори Ўроқ ака Мардонақулов ҳузурига кирдим.

– Домла, мен мактабимга қайтаман.

– Нега, - сўради директор.

– Чунки мен уч-тўрт йилдан буён таэквондо билан мунтазам шуғулланиб келаман. Натижаларим ҳам ёмон эмас. Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё кубоги ўйинларида қатнашиб, олтин медални қўлга киритганман. Кейинчалик Ўзбекистон чемпионати саралаш баҳсларида ҳам ғолиб бўлдим. Шунинг учун яқинда Жанубий Кореяда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун йўлланма билан тақдирланганман. Ушбу мусобақага пухта тайёрланишим керак, қолаверса, яхши талаба бўла олмай қоламанми, деган хавотирдаман.

Коллежимиз раҳбари менинг спорт билан шуғулланишимни қўллаб-қувватлади. Ўқиш ва машғулотларга қатнашиш учун барча шароитларни яратиб беришга имконият даражасида амалий ёрдам беришга ваъда берди. Чиндан ҳам у ўз сўзининг устидан чиқди. Туманимиздаги Ўзбекистон-Греция ҳамкорлигидаги «Олтин чигит» қўшма корхонаси раҳбари, саховатпеша инсон Жўра Менглибоев билан ҳамкорликда маҳоратимни янада ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Ана шу ғамхўрлик, қўллаб-қувватлашлар туфайли 2001 йил ташкил этилган таэквандо клубида шуғулланиб, маҳоратимни оширишга муваффақ бўлдим. Қолаверса, орзуимга эришдим. Шу йилнинг 1-10 октябр кунлари Жанубий Кореянинг Чун-чонг шаҳрида ўтказилган жаҳон таэквандо фестивалида қатнашиб, 49 килограмм вазн тоифасида ғолиб бўлдим. Қумқўрғонга жаҳон чемпиони сифатида қайтдим.

Қўлга киритган ютуқларимда юқорида тилга олиб ўтилган олиҳиммат инсонлар қаторида клубимиз бошлиғи, устозим Абдужаббор Ботировнинг ҳам ҳиссаси катта. Жаҳон таэквандо фестивалида ғолибликни қўлга киритганлигим учун келгуси йилда Грециянинг Афина шаҳрида уюштириладиган ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдим. Насиб этса, албатта, ўқитувчи-устозларим, мураббийим ҳамда мени моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган тумандошларим ишончини оқлайман.

**Дилноза ҒАНИЕВА,**
**таэквандо бўйича жаҳон фестивали ғолиби**





## МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРГА - КЕНГ ЙЎЛ

*Анъана*

***Эртанги кунимиз, миллатимизнинг келажаги, биринчи галда фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига боғлиқ. Зотан, спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади.***

Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги қароридан кейин туманимизда ҳам спортга бўлган муносабат янада кучайтирилди. Чунончи, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими фаолият кўрсата бошлади, ҳомийлик кенгаши таркиби тасдиқланди. Тадбиркорлар ва ҳомийлик кенгаши томонидан жамғарманинг вилоят бўлими ҳисоб рақамига маблағ ўтказилиб борилмоқда.

Болалар спортини оммалаштириш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш мақсадида қатор тадбирларни уюштираяпмиз. Аҳоли яшаш жойларида янгитдан қуриладиган спорт мажмуаларининг 2003-2005 йилларга мўлжалланган режаси ишлаб чиқилди. Режага биноан мустақилликнинг 12 йиллиги байрами арафасида туман марказий стадиони замонавий лойиҳа асосида қайтадан барпо этилди. Унда 5 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди, югуриш йўлакчалари, волейбол, баскетбол, мини футбол, қўл тўпи, узунликка сакраш майдончалари қурилди. Футбол майдонига чим ётқизилди. Айни вақтда бу ерда 10 дан ортиқ секция ишлаб турибди.

Туманимиздаги ўрта умумтаълим мактабларининг 14 тасида волейбол, 4 тасида баскетбол, 8 тасида қўл тўпи, 6 тасида мини футбол, 9 тасида футбол майдонлари таъмирланди. 7 та билим масканида эса баскетбол майдончалари янгитдан қуриб битказилди. Шунингдек, 1-, 30-, 9-, 33-, 59-мактабларнинг ёпиқ спорт заллари капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Таъмирлаш ишларига «Учқулоч» руда кони ва «РСУ-III» қурилиш ташкилоти ҳомийлик қилди.



Болалар спортини янада оммавийлаштириш мақсадида имкониятлар излаб топилаётир. Яқинда туман маданият уйи қошида болалар спорт мажмуи барпо этилди. Унда миллий ва белбоғли кураш, каратэ, таэквондо, теннис, бокс, волейбол, баскетбол, мини футбол каби спорт турлари бўйича тўгарак ва секциялар очилди. Етарли даражада спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Расмий маълумотларга қараганда, республикамизда 6 миллион 528 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Уларнинг атиги 432 минг нафари, яъни 6,7 фоизигина спорт билан мунтазам шуғулланади. Вилоятимизнинг энг чекка тоғли туманларидан бири ҳисобланган Форишда эса 18 минг 535 нафар боланинг салкам 40 фоизи, бошқача қилиб айтганда, яъни 5 минг нафардан ошиқ бола спорт мажмуаларига қатнаб, ўзлари хоҳлаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда. Туман аҳолиси асосан тоғ ён-бағирларида истиқомат қилади. Кенг яйловларда чўпонлик қилиб, албатта, кураш тушмаган кишини топиш қийин. Шунинг учун ҳам туманимизда ҳеч бир тадбир халқ ўйинларисиз



ўтмайди.«Арқонда сакраш», «Тортишмачоқ», «Қўл жанги», «Барчиной», «Чиллак отиш» ва албатта миллий кураш каби халқ ўйинларисиз ўтмайди.

**Баҳодир ТЎЛАКОВ,**
**Фориш туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассиси**

## ЧИНОЗЛИК ЎҚУВЧИ ҚИЗ халқаро турнир ғолиби

Яқинда чинозлик мактаб ўқувчиси Шаҳноза Холиқова таэквондо бўйича Буюк Британия қироличаси Кубоги баҳсларида ғолиб чиқди. Бу туманда болалар спортига катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради. Чунончи, туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мактаблар учун 3 миллион сўмлик маблағ ажратди. Марказий ўйингоҳ қайта таъмирдан чиқарилди.

– Кадрлар масаласи ҳам тўла ҳал этилди, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Дурумбетов. – Яна олти нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчисини ишга қабул қилдик. Энди уларнинг сони 86 нафарга етди, шундан 27 нафари олий маълумотлидир.

Ҳозирда тумандаги БЎСМларда 728 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Улар 39 та тўгаракда 16 нафар мураббийдан сабоқ олишяпти. Жумладан, 2- ва 48-мактабларда волейбол ва баскетбол, 42- ва 6-мактабларда қўл тўпи ва сузиш, 26-, 34-, 40-мактабларда шоҳмот, теннис ва футбол бўйича иқтидорли спортчилар тайёрланмоқда.

Қувонарлиси, тобора маҳоратларини сайқал топтириб бораётган ўқувчи-ёшларнинг аксари туман шарафини республика ва халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишмоқда. Шаҳноза Холиқова, Ғулом Арслонов, Элмурод Тожибоев, Сирож Наимов кабилар шулар жумласидандир.

Ёш чемпионларнинг қўлга киритаётган ютуқларида ҳомийларнинг кўмагини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. «Эшонобод» ширкат хўжалиги 1,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари совға қилган бўлса, Чиноз пахта тозалаш заводи 3 та мактабни таъмирдан чиқариб берди. «Йўлдошкон» ширкат хўжалиги эса ўқувчиларга спорт жиҳозлари туҳфа этди. Спортсевар ота-оналар ҳам бу эзгу ишдан четда қолаётганлари йўқ. Улар баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишмоқда. Жумладан, тадбиркор Муҳаббат Юсупова ёш таэквондочиларни моддий томондан қўллаб-қувватлаб келаяпти. Шу боис ҳам туманда спортнинг бокс, каратэ, сузиш, футбол турлари оммавийлашмоқда.

**А.ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8803 Буюртма Г— 0017 1 3456